



2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета




www.bong.uz

@jamiyatgzt@mail.ru

t.me/bonguz1

№ 39 (813)
2022 йил
6 октябрь,
Пайшанба

ИШСИЗЛИК КҮП, МАОШ КАМ



Айрим иш берувчилар ҳам, гарчи ёшларимизни иш билан таъминлаган бўлса турли имтиёзларга эга бўлади, лекин мутахассисликсиз ёшларни олишни истамайди. Баъзи йигит-қизларимиз эса эндиғина ишга кирган бўлишига қарамай, **катта ойлик** олишни истайди.


“БОТИР ЗОКИРОВ ҲАМ КЕЛГАНМИ?”

1977 йил апрель ойида Москва кўчаларида “Ботир Зокиров куйлайди” деган афишалар. Эътибор беринг: унинг ҳеч қандай унвони, қайси республика санъаткори эканлиги ёзилмаган. Шунинг ўзиёқ Ботир Зокиров деган ном, бу хонанда ҳамма учун бирдай таниш, бир хилда қадрли эканлигини кўрсатиб турибди.

ОНА ТИЛИМ – ЖОНУ ДИЛИМ



ДЗЮДОНИНГ
ОЛАМАРО
ДОВРУГИ



ТҶИ
ФОЖЕАСИ

СУДЬЯЛАР МУСТАҚИЛЛИГИ ВА ДАХЛСИЗЛИГИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Конституциямизда олий қадрият сифатида белгилаб қўйилган инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигига эришиш нақадар муҳим аҳамиятга эгалигини ҳеч ким инкор этолмайди. Боиси, суд тизими мустақил эмас экан, жамиятимизда ривожланиш бўлмаслиги кундек равшанлашмоқда.



Чунки суд идорасига иши тушган ҳар бир шахс ушбу даргоҳда қонун ва адолат устувор эканига ишонч ҳосил қилиши керак. Президентимиз таъбири билан айтганда, янги Ўзбекистонда ҳар қандай баҳсли масалага адолатли ечим фақат одил суд томонидан топилиши керак.

Мамлакатимизда суд тизимини тубдан ислоҳ қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлардан кўзланган пировард мақсад ҳам судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, судьялик касбига тайёрлаш ва тайинлаш тизимини такомиллаштиришдир.

Шу маънода, ягона суд амалиётини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Олий хўжалик суди бирлаштирилди. Судьяларни танлаш ва лавозимларга тайинлашда ноконуний аралашувларнинг олдини олиш, очик, ошкора ва муқобил танлов тизимини яратиш учун Судьялар олий кенгаси таъсис этилди.

Судья лавозимига муддатсиз тайинлаш амалиёти жорий қилиниб, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари давлат идоралари томонидан бузилган тақдирда, уларнинг суд орқали самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида маъмурий судлар фаолияти йўлга қўйилди. Апелляция ва кассация инстанциялари такомиллаштирилган ҳолда, юқори суд инстанцияси томонидан якуний қарор чиқариш кафолатлари мустаҳкамланди.

Умуман, ўтган беш-олти йилда суд-хуқуқ соҳасида эришилган ютуклар, ўзгаришлар ҳақида кўп гапириш мумкин. Лекин бугун замоннинг ўзи суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш учун биринчи навбатда, судьяларни одил судловга таъсир ўтказадиган омиллардан ҳимоя қилиш, тергов ва суд ишига аралашиб ҳолатларiga барҳам бериш, суд қарорлари ижросини сўзсиз таъминлаш кераклигини тақозо этмоқда. Сабаби суд бирон-бир давлат идораси ёки мансабдор шахснинг қўли етадиган идорага айланиб қолишига йўл қўймаслик лозим.

Чунки дастлабки терговда давом этиб келаётган қонун бузилиш ҳолатларини, давлат идоралари, мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларида дахл қиласидан ҳаракатлар содир этиш ёки қарорлар қабул қилишини фақат судларнинг ҳақиқий мустақиллигига эришиш орқали бартараф этиш мумкин.

Бунинг учун юксак малакали суд ходимлари корпусини шакллантириш, судьялар ҳар қандай ҳолатда ҳам адолатни қарор топтиришга кодир бўлиши, шунингдек, суд қабул қилган қарорлар ижроси сўзсиз таъминланишига эришиш зарур. Шундагина одамларда ҳар қандай ҳолатда ҳам адолат қарор топшига бўлган ишонч ортиб боради.

Агар бунинг акси бўлса, фуқароларнинг судга бўлган ишончи йўқолади. Бу, ўз навбатида, адолат қарор топмайди, деган тушунчанинг шаклланишига сабаб бўлиб, амалга оширилаётган ислоҳотлар самарали якун топмаслигига олиб келади. Шу жиҳатдан, конституциявий ислоҳотлар жараёнида Асосий қонунимизга киритилаётган ўзгаришлар билан одил судлов тизимининг мустақиллиги янада мустаҳкамланиши кўзда тутилмоқда. Хусусан, Конституциянинг 112-моддасига “Давлат судьянинг ва унинг оила аъзоларининг ҳақфислизигини таъминлайди”, деган янги қисм кўшилиши кўриб чиқилмоқда.

Ушбу янги норманинг аҳамияти нимада? Маз-

кур нормага нега зарурат туғилди?

Ўзбекистонда фуқаролар ҳуқуқини шахслар эмас, қонун, одил суд ҳимоя қила олишига тўлиқ эриша олсан, ҳар қандай баҳсли масалага адолатли ечим фақат одил суд томонидан топилиши таъминланса суд тизимини ҳалқчил ва ҳалқпарвар, деб аташ мумкин бўлади. Аникроқ айтганда, чинакам мустақил ва қонун устуворлигига асосланган суд тизими бошқа барча соҳалар, хусусан таълимда ҳам, соғлиқни сақлашда ҳам, бизнесда ҳам туб ўзгаришлар амалга ошади. Бу учун эса, ўз ўрнида судьяларнинг чинакам мустақиллиги ва дахлсизлигини таъминлаш зарурый талаб ҳисбланади. Чунки судья ва унинг оила аъзолари ҳақфислизигини таъминламасдан туриб уларнинг чинакам мустақиллигига эриша олмаймиз.

Шубҳасиз, Конституцияга киритилаётган мазкур ўзгариш билан судьялар мустақиллиги ва одил судлов тизимининг конституциявий асослари янада мустаҳкамланади.

Бинобарин, қонун лойиҳаси билан судьялар мустақиллиги ва дахлсизлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири – судья ва унинг оила аъзолари ҳақфислизигини таъминлаш давлат мажбурияти сифатида конституция даражасида мустаҳкамланмоқда.

Мазкур конституциявий кафолат асосида судьялар ишига ҳар қандай аралашиб, тазиқ кескин жазоланиши, уларнинг ҳавотирсиз ва дадил ишлаши учун барча зарур шароитлар яратилиши таъминланади. Зоро, қачонки судья ўзи ва яқинларининг дахлсизлиги, ҳақфислизигига ишонч комил бўлсагина, мустақил ва адолатли равища фаолият юрита олади.

Бир сўз билан айтганда, буларнинг барчаси инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга, ҳалқимизнинг давлат ҳокимиятига бўлган ишончини мустаҳкамлашга, судьялар мустақиллигини ва пировардида, самарали одил судловни янада ишончли таъминлашга хизмат қиласиди.

**Шерзод ТЎХТАШЕВ,
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси
депутати**

ФУҚАРОЛАР МУРОЖААТИ ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛДИ

Жорий йилнинг 29 сентябрь куни Олий Мажлиси Сенатининг Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Р.Сиддиқов Жizzах вилояти депутатлари, секторлар раҳбарлари ва бошқа масъуллар, туман фаоллари, умуман кенг жамоатчилик вакиллари билан учрашиди.

Учрашувда сенатор Самарқандда ўтган ШХТ Саммитининг тарихий аҳамияти ҳамда Сенатнинг ўттиз иккинчи ялпи мажлисида кўрилган масалаларга тўхталиб ўтди.

Бундан ташқари, жойларда аҳоли бандлигини таъминлашга оид ишлар ҳолати, худудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган муаммолар ҳам ўрганилди. Юзага келган муаммоларни ҳал этиш юзасидан масъулларга тегишли тавсиялар берилди.

Шунингдек, Жizzах вилоятида 2022 йил янги иш ўринларини яра-

тиш ва аҳоли бандлигига кўмаклашиш мақсадида амалга оширилган ишлар муҳокама қилинди. Вилоядда 2022 йилда 234,1 минг нафар аҳолини доимий ва мавсумий ишларга жалб этиш бўйича комплекслар, шаҳар ва туманлар кесимида ойма-ой прогноз кўрсаткичлари шакллантирилганлиги таъкидланди.

Таъкидланишича, 2022 йилда вилоядда 7 574 нафар ишсиз фуқароларни меҳнат бозорида талаб юқори бўлган 22 та касб йўналишлар бўйича ўқитиши режалаштирилган. Бу борада Жizzах шахридаги 1 та “Ишга марҳамат” мономаркази, 2 та касб-хунарга ўқитиши марказлари ташкил этилган. Ишсиз ва банд

бўлмаган фуқаролар касб-хунарга ўқишига йўлланма асосида йўналтирилмоқда.

Мехнат органлари йўлланмалари асосида 2022 йилнинг январь-май ойлари давомида 8255 нафар (шундан, 4482 нафар ёшлар, 6335 нафар аёллар) иш билан банд бўлмаган фуқаролар касб-хунарга ўқитишига жалб этилган.

Жizzах вилояти Дўстлик тумани бўйича Мехнат миграциясидан қайтиб келган 532 нафар фуқародан 460 нафарининг турли соҳаларда бандлиги таъминланган.

Шунингдек, худудий инвестиция дастурлари дорасида жорий йилнинг январ-август ойларида яратилган 4 170 та янги иш ўринларига ишсиз фуқаролар ишга жойлаштирилган ҳамда ишга қабул қилинган ходимлар солиқ органлари маълумотлар базасида тўлиқаскеттирилган.

Бундан ташқари, сенаторлар Жizzах шахри, Арнасой, Пахтакор, Шароф Рашидов, Зомин, Янгиобод туманлари масъуллари, секторлар раҳбарлари билан ҳамкорликда сайёр қабуллар ташкил этиди.

Қабул жараёнида 35 га яқин фуқароларнинг мурожаатлари ўрганилди ва уларни ҳал этиш чоралари кўрилди. Жараёнда 6 фуқарони иш билан таъминлаш, соғлиқни яхшилаш, ички йўлларни таъмилаш, ичимлик суви таъминотига оид мурожаати ҳал этилди. 9 та фуқарога ҳуқуқий тушунтириш берилди. Қолган мурожаатларни ўрганиш, чукур таҳлил этиш ва ижобий ечим топиш чораларини кўриш бўйича масъулларга тегишли тавсиялар берилди.

**Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенатининг
Ахборот хизмати**



ИШСИЗЛИК КҮП, МАОШ КАМ

Ёшларни иш билан таъминлаш ҳамиша жиддий муаммо бўлиб келган. Иш топилса, маош кам, маош яхши бўлса, ишга кириш қийин. Нега шундай? Биз шу каби саволларга жавоб топиш мақсадида Чирчиқ шаҳар бандликка кўмаклашиш бўлимида бўлдик.

Бу ерда бизни ҳудудларни комплекс ривожлантириш ва ишга жойлаштириш инспектори Гавҳар Илёсбоева кутиб олди.

— Бугунги кунда бизда 1868 тавансия ўринлари бор, — дея сўз бошлади сухбатдошимиз муддаомизни эшитгач. — Чирчиқ шаҳридаги корхона ва бошқа ташкилотлардан ҳар ойнинг бошида вакансиялар олиб рўйхатни янгилаймиз. Ойлик 900 000 сўмдан 2 000 000 сўмгacha.

“Аёллар дафтари” ва “Темир дафтар”га киритилганларни квота асосида ишга жойлаштираяпмиз. Бирок айrim йирик корхоналар номаник сабабларга кўра, тўлиқ мавжуд бўлган иш ўринларининг рўйхатини бермайди, баъзида асосиз ишга

қабул қилишни рад этади. Албатта иш қидираётган фуқароларимизни зарурат туғилганда янги касбга ўқитамиз. Жумладан тикувчи, ошпаз, сартарош, компьютер саводхонлиги каби мутахассисликларга эҳтиёж катта. Август-сентябр давомида “Темир дафтар” да турган 41 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди, субсидия олишди, бошқа мутахассисликга ўқишиди. Жазони ижро этиш муассасаларидан қайтган 23 фуқародан 14 нафари иш билан таъминланди, шулардан 6 нафари ёшлардан иборат.

Очиғи, ёшларимизни иш билан таъминлаш жуда ҳам қийин. Асосий муаммолардан бири — 11-синфни битирғанлар. Уларнинг мутахас-

ислиги йўқ, амалиёт йўқ. Таклиф қилинаётган иш ўринлари асосий тўқимачилик корхоналарида, ойлик маоши 1 000 000 атрофида. Айrim иш берувчилар ҳам, гарчи ёшларимизни иш билан таъминлаган бўлса турли имтиёзларга эга бўлади, лекин мутахассисликсиз ёшларни олишни истамайди. Баъзи йигит-қизларимиз эса эндигина ишга кирган бўлишига карамай, катта ойлик олишни истайди.

— Ҳаммамизга маълум, хозирги кунда айrim иш берувчи ҳамда ишчи орасида келишмовчилик юзага келмоқда, бунинг сабаби нимада деб ўйлайсиз? — деб сўраймиз Г. Илёсбоевадан.

— Асосий сабаб иш ҳаки ўз вақти-

да берилмаслиги, иш куни 8 соатдан ошиб кетиши. Қолаверса, айrim ҳолларда қўшимча устама ҳаки тўланмайди. Худди шу омиллар ишсизликка сабаб бўлмоқда, иш сўраб келган фуқаро ойликни сўрайди, эшитиб қайтиб кетади. Мисол учун ўзимиз ҳам эртадан кечгача ишлаб бир ярим миллион оламиз...

Шу ўринда устоз Озод Шарафиддиновнинг бир гапи ёдга тушади: “ишга яраша маош олмасанг, маошга яраша ишлайсан”. Ҳар қандай соҳада меҳнат қилаётганларга оиласини боқишига етадиган маош ажратилсагина, иш унумдорлиги ошади. Жамиятда бокимандаликка ҳам ҳожат қолмайди, худа-бехуда саховат тадбириларга ҳожат ҳам қолмайди. Айни пайтда иш сифати ҳам ўзгаради.

**Максим
ГЮЛАХМЕДОВ**

ИННОВАЦИЯ – ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академиясида “Ҳаётий фаолият хавфсизлигини таъминлашда инновацион ёндашув, илмий ишланмалар ва замонавий технологиялар” мавзусида IV Республика ёш олимлар илмий-амалий анжумани ўтказилди.

Унда Ўзбекистон Фанлар Академияси, Олий ва ўрта махсус, Мудофаа, Инновацион ривожланниш вазирликлари ва X. Сулаймонова номидаги суд экспертиза маркази масъуллари иштирок этди.

Асосий мақсад – Президентимизнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммитидаги нутқида глобал иқлим ўзгариши, табиий бойликлар ва сув ресурслари танқислигининг ортиши, биохилма-хилликка путур этиши, хавфли юқимли касалликлар тарқалиши ҳамда турли хавф-хатарлар пайдо бўлаётганлиги, шунингдек, ушбу муаммоларнинг ечимига оид масалалар ва белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб, ҳаётий фаолият хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш, амалий ҳамкорликда инновацион ғоялар ва илмий ишланмаларни ривожлантириш самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Анжуманни Академия бошлиғи, генерал-полковник Қобул Бердиев очиб, Президентимиз ташаббуси билан Янги Ўзбекистонда инновацион ривожлантириш стратегия-



ётга кенг татбиқ этиш йўлида олиб борилаётган изланишларни алоҳида таъкидлadi.

Анжуманнинг амалий қисмida ихтирочилар, ёш олимлар ва тадқиқотчилар томонидан яратилган ихтиrolарнинг намойиши ўтказилди. Шунингдек Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ички ишлар ва Мудофаа вазирлиги ҳамда тегишли вазирликларнинг замонавий техникалари ва махсус-авария кутқарув машиналари, асбоб-анжомлари ва воситалари билан таништириш ҳамда бадиий ва махсус адабиётлар ярмаркаси ташкил этилди.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, тўртинчи маротаба ўтказилаётган мана шундай илмий-амалий анжуман иштирокчилар томонидан билдирилган фикр-мулоҳазалар ва нуқтаи назарлар, ёшларни илмий инновацион ишларга янада қизиқтириш ва турли тажрибаларни умумлаштириш ҳамда шу асосда таклифлар ишлаб чиқиш имконини беради.

Анжуман якунида ташкилотчилар томонидан “Энг яхши мақола”, “Энг яхши илмий ишланма”, “Энг яхши инновацион ғоя” каби номинациялар бўйича ғолибларга тегишли сертификатлар ва ташакурномалар тантанали топширилди.

**Фарходжон ХОЖАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси
катта ўқитувчisi,
майор.**

ДЗЮДОНИНГ ОЛАМАРО ДОВРУГИ

Кураш минг йиллик анъаналарни ўзида мужассам этган, ёшларга жасурлик, ватанпарварлик, жисмонан ва руҳан тетиклик бахш этиб келаётган спорт тури ҳисобланади. Таъкидлаш жоизки, ўзбек курашига япон дзюдоси жуда яқин. Шу боис жаҳонда кенг оммалашиб бораётган дзюдо спорт турига кейинги йилларда мамлакатимизда кенг эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Президент Шавкат Мирзиёев жорий йил 20 июнь куни “Дзюдо спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорга имзо чекди. Бу хужжат дзюдонинг кенг оммалашига сабаб бўлмоқда.

Мазкур қарорда дзюдо спорт турини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб қўйидагилар белгиланди:

дзюдени ахоли ўртасида оммавий спорт турларидан бирига айлантириш, иқтидорли спортчиларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция) ҳамда уларни профессионал спортчилар сифатида тайёрлашнинг янги тизимини йўлга қўйиш;

мактабгача ёшдаги болаларда дзюдога қизиқиши ўйғотиш ва жанг санъатининг ушбу тури бўйича бошланғич кўнімаларни шакллантириш;

дзюдо бўйича профессионал тренерлар, малакали ҳакамлар ва мутахассисларни тайёрлаш тизимини ривожлантириш, ўқув-услубий қўлланмалар ишлаб чиқиши;

дзюдо инфратузилмасини янада ривожлантириш ҳамда халқаро талабларга мослаштириш, умумий ўрта таълим мактабларида дзюдо заллари сонини кўпайтириш;

Куролли Кучлар ва ҳукукни муҳофаза қилиш орғанинг жисмоний тайёргарлик машғулотлари дастурига дзюдени босқичма-босқич киритиши, улар тизимидағи таълим муассасалари ўқувчи-талабалари учун ушбу спорт тури бўйича факультатив машғулотлар ва тўғараклар ташкил қилиш;

аёллар ўртасида дзюдени ривожлантириш, бу борада узоқ йилларга мўлжалланган истиқболли режаларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириш;

оммавий ахборот воситаларида соғлом турмуш тарзининг муҳим таркиби қисми сифатида дзюдени тарғиб қилиш ҳамда бу жараёнда ахборотлаштириш ва мультимедиа маҳсулотларидан фойдаланишни таъминлаш.

Чунончи, Денов ва Урганч дзюдо мактаблари, Миллий университетда алоҳида таълим йўналиши ҳамда Ўзбекистон дзюдо академияси ташкил этилиши белгилаб берилди. Бундан ташқари, мамлакатда жаҳон чемпионати ва бешта турнир ўтказилиши жорий қилинди. Қарорда, ахоли, айниқса, йигит-қизлар ўртасида дзюдонинг оммавийлигини ошириш, иқтидорли дзюдочиларни саралаб олиш ва Ўзбекистон миллий терма жамоасининг халқаро мусобақаларда юкори натижаларни қўлга киритиши учун дзюдо мактабларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, профессионал спортчилар сифатида тайёрлашнинг янги тизимини йўлга қўйиш ва мактабгача ёшдаги болаларда дзюдога қизиқиши ўйғотиш ҳамда жанг санъатининг ушбу тури бўйича бошланғич кўнімаларни шакллантириш асосий максад ҳисобланади.

Халқимизда “устоз кўрмаган шогирд ҳар мақомга йўрғалар”, деган накл бор. Қарорда дзюдо бўйича профессионал тренерлар, малакали ҳакамлар ва мутахассисларни тайёрлаш тизимини ривожлантириш, ўқув-услубий қўлланмалар



ишлаб чиқиши муҳим вазифа қилиб қўйилгани муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда ташкил этилаётган Дзюдо академиясининг асосий максадларидан бири дзюдо инфра тузилмасини янада ривожлантириш, халқаро талабларга мослаштириш, умумий ўрта таълим мактабларида дзюдо заллари сонини кўпайтириш лозим.

Дзюдо нафақат спорт мусобақаларини қизиқарли ўтказиш учун мўлжалланган кураш санъати, балки илк бор бундан бир аср илгари япониялик Жгара Кано томонидан ҳақиқий ҳарбий спорт тури экани исботланган. Дзюдонинг жозибадорлиги шундаки, бу спор тури нафақат эркаклар, балки аёллар ўртасида ҳам кенг оммалашиб бораётган жисмоний машғулот саналади. Аёллар, айниқса, қизлар ўртасида дзюдени ривожлантириш, бу борада узоқ йилларга мўлжалланган истиқболли режаларни ишлаб чиқиши ва амалга оширишдан максад ҳам соғлом ва баркамол авлодни вояга етказишидир.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки, мазкур чора-тадбирлар ахоли ўртасида дзюдонинг олимпия спорт тури сифатида оммавийлигини ошириш, ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни саралашга хизмат қиласди.

**Абдукарим ТАНГРИЕВ,
ТДИУ Спорт мажмуаси мураббийси**

Эссе

Асрларга тенгдош чинор дарахти остидаги тапчанда Ақл, Тафаккур, Билим, Яхшилик, Эзгулик, Ҳакиқат, Диёнат, Фаросат бир даврада ўтириб ҳаёт фалсафаси ҳақида гурунглашарди. Уларнинг сухбати яратувчанлик, бунёдкорлик, бахт ва шодлик, қувонч ва ютуқлар ҳақида бўлгани боис шундокқина олдиларида жилдираб оқаётган жилға ҳам, кўкка бўй чўзаётган ниҳолу ҳарир шабада ҳовурида тебранаётган майса ҳам роҳатланар, күшчалар шоҳдан шоҳга қўниб, чуғурлашиб ҳамоҳанг куй чалаётгандек яйрашар эди.

Сал нарироқда мева туғишига эриниб умрини ўтказган, шоҳлари тарвақайлаб ўсиб, сал қолмаса чакалакка айланган дарахт остига омонат қўйилган ёғоч сўрида тумшукларини бир-бирига тираб, шалпанг қулокларини фийбат эшитишга мослаб “динг” қилиб гўнгиллаётган Ёмонлик, Ёвузлик, Худбин, Хиёнат, Ёлғон, Жаҳл, Аросат ҳаётдан нолишарди. Ундан-бунга куриган шоҳ-шаббаларга учиб-кўнаётган карга безовта қагиллар, кўз қора-чикларини ўйнатиб, гаптингларди... Ўт-ўланлар қовжираб жаврайди: “Шундокқина ёнидан оқиб турган ариқдан бир кафт сув сепиб қўйя ҳам дейишмайди-ю, аммо қалбларга озор беришни канда қилишмайди, булар”, деб нолинади. Ўртага чиқиб олган Шайтон четда ҳеч кимга қўшилмай, тўғрироғи, қўшила олмай

пиқиллаб йиғлаб турган Андишани имлаб гапида давом этди:

— Мана бу, Қўрқоқнинг аҳволини қаранг, баттар бўлсин, — деди шаҳд бошини кўтариб томок қириб. — Бошида айтдим. Бизга қўшил. “Хўп, хўп де, аммо ўз билганингдан қолма”, “Ўрни келганда юзингда кўзинг борми, дема. Шарт-шурт бетига заҳрингни соч. Камига дав-

нинг остидан ўтганлар кун кўради,—деди Аросат ҳам даврадан қурўқ қолмаслик учун гапга қўшилиб.

— Ўв, Қўрқоқ, биз сенга гапираймиз, — деди Гийбат Андиша эшитиб, қалби озор чекишини хоҳлагани учун овозини бир парда баландлатиб. Худбин эса писиб бир чекага қараб гўё бу сухбатдан хабари йўқдек ўзини гапдан асраб

раларга кирганингда камчилигини айтиб одамлар олдида изза қил. Ана шунда кўрасан. Ҳурматинг ошишини. Қани бирови Сенга “ғинг” деб кўрсинг-чи?!“

— Шуни айтинг. Мен ҳам бир неча марта ўргатдим. Иш билмасанг, билма, аммо гап бил. Айюҳаннос сол! Вой-дод, бедодлар, ноҳақлик қилишди, де. Шундай қилгинки, овозингни бирта яримта эшиксин. “Беобрўнинг нони бутун”, ахир! Сен ҳеч нарса йўқтамайсан, қайтанга ишинг битади, дедим. Буни ҳамма билади бироқ, қулок солмади. “Йўғ-е, бировга ёмонлигим йўқ”, деди мунғайиб. Бу ҳам кам. Ўзидан ўпкаласин, — Хиёнат давом эттириди.

— Тинмайди. Хитир-хитир ишлагани ишлаган. Мана, нима топди?! Оғирнинг устидан, енгил-

атроғга алангларди. Бошқалар эса оқибатини томоша қилишга шайтуришарди.

— Наҳотки, мени танимаяпиз?! Ахир, мен Андишаман-ку! Ёмонлик, сенга рўбарў келганимда ҳам Ақл ва Тафакурнинг гапига кириб яхшилик илинганиман. Ёвузлик, сени ҳам яхшилик, эзгулик билан енгиб ўтганман. Ёлғон, Хиёнат, Жаҳл, Аросат, ёниб турган чўғдек пайтингизда сабр косасида меҳр гулобин сепиб шаштингизни сўндириганиман, ахир! Нега танимаяпиз? Худбин, сен-чи?! Нега овозинг чикмайди?! — ўқсиб, ўқсиниб йиғлади

Андиша...

Ақл кўллари билан Андишанинг аламли кўз ёшларини сидириб ташлади. Яхшилик унинг бошини сийлаб кўнглини кўтарди. Тафаккур ўйчан бўлиб узокларга нигоҳини қадади.

— Шоир ҳақ:

Ҳақсизликни кўрсам қалбим бозиллар,

Во дариф, мум тишлиб турар фозиллар,—

деди пичирлаб.

— Ҳаётинг давомида бундай синовларни бошиндан кечирганингни мен билан Сабр жуда яхши биламиз. Асосийси, билим сен билан, Ҳакиқат ва диёнат ҳамроҳинг, яхшилик қулларингдан махкам ушлаган, эзгулик кўнглинг кўшкидан жой олган. Сен Қўрқоқ эмассан. Сен ўзини билмаган нотавон, илмисизлар наздида Қўрқоқдирсан, балки. Аммо, биз сенинг Андиша эканлигингни яхши биламиз, — деди Фаросат.

Чуқур тин олиб “уф” тортган Андиша чап қўксини ушлаганча мийигида кулиб қўйди.

Узокдан хоғизнинг мунгли қўшиғи эшитиларди... Юрагимей, сенга раҳмим келиб кетди...

Ҳаёт бир маромда давом этавериди. Улкан Чинор ва мевасиз дарахт бани башар ҳаёт экан, бундай сухбатларга такрор-такрор гувоҳ бўлавериби.

Моҳира ШАКАРОВА



атроғга алангларди. Бошқалар эса оқибатини томоша қилишга шайтуришарди.

— Наҳотки, мени танимаяпиз?! Ахир, мен Андишаман-ку! Ёмонлик, сенга рўбарў келганимда ҳам Ақл ва Тафакурнинг гапига кириб яхшилик илинганиман. Ёвузлик, сени ҳам яхшилик, эзгулик билан енгиб ўтганман. Ёлғон, Хиёнат, Жаҳл, Аросат, ёниб турган чўғдек пайтингизда сабр косасида меҳр гулобин сепиб шаштингизни сўндириганиман, ахир! Нега танимаяпиз? Худбин, сен-чи?! Нега овозинг чикмайди?! — ўқсиб, ўқсиниб йиғлади

Абдурасул Жумакуловнинг навбатдаги китоби
“Кундузги чироқ” деб номланган. Файласуф Диогенни эсга туширувчи ном бошқа бир тарихий шахсни ҳам ёдга солади. ...Шаҳарнинг катта майдони қоқ ўртасида устун ва унга билакдек арқон тугун қилиб боғланган. Устунда шундай ёзув осилган: “Кимки шу тугунни қўли билан ечса, дунё ҳукмдори бўлади!”. Қанча йиллар ўтган, бироқ тугунни ечишга ҳеч кимнинг қурби етмаган. Вояга етган

Александр (анча димоғдор ва ўзига бино қўйган бола) устунга яқинлашади ва гап нимадалигини билгач, ёнбошига қайрилади-да, қиличини қинидан суғуриб, бир зарб билан тугунни иккига бўлиб ташлайди. Бунинг бошқа йўли йўқ эди, муштдек тугунни, яна у неча йил очик ҳавода пишиб кетган бўлса, қўл билан ечишнинг умуман иложи йўқ эди. Ёш шаҳзода вазиятдан келиб чиқиб, тўғри, амалий қарор қабул қилганди.

“ХУРРИЯТ”НИНГ

“НАФАСИ”

Агар ҳамкасбимиз А. Жумакуловнинг фаолияти назардан ўтказилса, унинг масалаларга ечим тошида энг ўнгай йўлдан боришини амалиётда кўрсата олди. Ҳа, баязан вазият тақозаси билан тикига эмас, кўндалангига ҳам боришга тўғри келади. “Дараҳт нимага барг ташлайди?” деб савол қўйилади. Жавоблар бисёр: сарғайганидан; куз келганидан; совук урганидан. Назарда тутилган жавоб эса бундай: дараҳт ерга барг ташлайди! Масала-га кутилмаган томондан ёндашиш ҳам топқирлик.

Мана, қўлингизда “Хуррият” газетасининг ҳали бўёғи ҳам қуримаган сони. Айни пайтда катта ўлчамли саккиз саҳифали газетани чиқаришнинг ўзи бўлмайди. “Газетани чиқариш керак” деган масалада эса тирноқча иккиланиш бўлгани йўқ: Абдурасулнинг аҳди – газетани мунтазам шу кўринишда чиқариш. Факат шу эмас – уни қўлма-қўл ўқилишини таъминлаш. Бу мақсадларга эришилди. Ҳозир қийинчиликлар ҳақида гапириб ўтирумаймиз: буни бошидан ўтказган ёки шундай ишга жаҳд қилиб кўрган киши осон тушунади. Газета қадрини топди, яна тилга тушди. Рости, бу пайтга келиб, унинг чиқиши ҳам гумон бўлиб қолганди. Барқарорлик таъминлангач, эришилган бу марра ҳам охирги нуқта эмаслиги тинчлик бермай қўйди. Бу масала ҳам ечимини топди, газетанинг саккиз саҳифаси ҳам рангли чиқа бошлади.

“Кундузги чироқ”ни вараклаганда айни ўша йиллари ёзилган битикларга кўз тушади. Улар сиёсий мавзулардаги шарҳлар (“Фазилатли кунлар” бўлими), маънавият, тарих мавзусидаги мақолалар (“Теран илдизлар” бўлими) ва замондошларнинг бугунги ҳаётидан сўзловчи сухбатлар, қайдлар, қатралар, воқеий ҳикоялар. Уларда ижодкорнинг “кўнгил қиёфаси” ўзига хос тарзда ифодаланган. Албатта, битикларни қалам эгасининг шахсиятидан айро-

муҳбири бўлиб ишларди ҳамаси. Унинг келиши билан ўзгаришлар рўй бера бошлади. Биринчи ёдда қолган нарса: бирданига анча-мунча қоғоз, ручка ва бошқа канцелярия товарлари келтирилди. Тўкилиб қолган рўзгорга нон келгандек, ҳамма қоғоз-ручка олиб, ”бой бўлиб”

кунларни факат Абдурасул келтира олади, деганми-йўқми, билмадим, аммо яна Абдурасулнинг пайдо бўлиши билан рўшнолик қайта бошлади ва газета бугунгидек тўлишган палласига чиқди.

Китоб баҳона анча хотиралар ёдга тушди. Табиий, публицисти-



тасаввур қилиб бўлмайди. Эҳтимол, бугун кўпларнинг эътиборидағи нашр бўлган “Хуррият”да кечган йиллар суратларидир бу ёзувлар. Чиндан ҳам Абдурасул учун “Хуррият” таржима ҳолининг ажралмас, балки муҳим қисмига айланди.

Бу ёғида гап ўзим гувоҳ бўлган воқеалар ҳақида кетади. Неча йиллар олдин “Хуррият” газетаси “ётиб қолди”. (Истисно тариқасида бир ҳолни алоҳида қайд этиш керакки, худди одамларга ўхшаб, газеталарнинг ҳам тақдири ҳар хил

қолди.

Иш услуби ҳам ўзгарди. Талаб кучайди. Сийقا мавзудаги материаллардан воз кечилиб, ўткир муаммаларга дадил қўл урила бошланди. Асосли танқид кўпайди – хуллас, жамоада ҳаёт жонланди. Абдурасул бу билан ҳам кифояланмади. Бир ҳамкасбимиз: “Кўтара олмасанг, қўшиб боғла!” деган гапни кўп такрорлаб юради, унинг тагида нима маъно бор, қандай пайдо бўлган, билмадим-у, Жумакулов ҳам “кўшиб боғлади”: газета ҳажмини

ка жиддий ижодий жараён, у ўзига хос талабчанликни ёқтиради. Китобда бир қараашда кўзга ташлана-вермайдиган, аммо синчков назар билан тикилса, дикқатга тушадиган ўринлар ҳам бор. “Сўзбоши..” да “...Йиллар ва йўллар”ни ўқиганимдаёқ публицистларимиз сафига яна бир ижобий маънода ўжар овоз қўшилаётганини сезганиман. (Абзац) Китоб “Ёруғ тонглар орзуси” сарлавҳали мақола билан бошланади” дейилади. Ҳолбуки, қўлимиздаги китоб шундай бошланади (муаллифнинг 1-китоби эмас!). Жиндай ғалатлик бордек. “Тийран” ва “теран” сўзларининг маъноси турлича. Китоб мухаррири жиддийроқ қараса бўларди. Умуман, сўз билан ишлаш муттасил изланишни талаб қиласидан соҳа. Яна унинг сарҳадлари кўз илгамас. Шу муҳитдаги ҳар бири йўловчининг сафари хайрли бўлсин.

Яқинда Абдурасул Жумакуловни йўқлаб бордим. Бинонинг зинасига кўтариlavеришда у нари томондан келиб қолди, мен бу томондан бордим: стерелка! Ишchan ҳолатда эди: ким биландир куйиниб телефонда гаплашарди. Учинчи қаватга чиккунча ҳам сухбат тўхтагани йўқ. Ҳол-аҳвол сўрашдик, “Ҳозир вилоятдан келаяпман” деди, толгани билиниб турар, барибир ишга чиқибди.

-Тушлик вақти бўлибди, бир пиёла чой ичиб гаплашайлик!
-Йўқ, раҳмат! Бошқа сафар...
-Нега? Ахир...
-Иш кўп, ака, - дейди эътиrozга ўрин қолдирмайдиган оҳангда.

Бундай одамларга факат “Чарчаманг!” дейиш лозим бўлади. Агар ёрдам бермокчи бўлсангиз, факат ...газетасига обуна бўлиш, тарғиб қилиш лозим.

Ҳаким САТТОРИЙ

бўлар экан, яъни пешонасига кўп шўришлар ёзилганлари ҳам бўларкан. Вақти келиб, кимдир “Хуррият” газетасининг тарихи билан қизиқса ёки маҳсус ўрганса, бу нашрнинг тугилгандан бери жанжаллар ичida улғайганига гувоҳи бўлади, шубҳасиз). Ўшанда ҳам мутасаддилар бу газета билан унча қизиқмай қўйган, қарийб икки йилдирки, биринчи раҳбар йўқ, в/б. нинг эса кўнгли илимайди: бир хайрли ишни бошласам, охирига етказа оламанми, деган андишада. Хуллас, ҳатто ходимларга маош бериш ҳам муаммо бўлиб қолди. Шундай вазиятда Абдурасул Жумакулов пайдо бўлди. У бунгача “Ўзбекистон овози” газетасининг Сурхондарё вилояти бўйича маҳсус

икки карра оширамиз, деб туриб олди. “Рекламани кўпайтирамиз, реклама керак” деди у тагдор қилиб. Тўғриси, реклама уюштириш ҳар жиҳатдан манфаатли эди, раҳбар ходимлардан буни қатъий талаб қила бошлади...

Йиллар ўтиб, 3-4 йил олдин “Хуррият”нинг яна “иссиғи кўтарилиб” кетди. Бу гал олдингисидан ўн баравар ёмон ҳолат юзага келганди: йил охирида газета муттасил чиқмаган ва келаси йилга обуна деярли (бир ҳовуч фидойиларни ҳисобга олмаганда) бўлмаганди. Қарийб йигирма йилда шаклланган ижодий жамоа тарқаб кетиш арафасида эди. Ҳамма газетанинг ҳур кунларини ютиниб эслар, у дамлар қайтиб келармикан, дерди. Кимдир башорат қилиб, ўша

ОНАТИЛИМ – ЖОНУДИЛИМ

**Рус тили лугатидаги
“легендарный”ни “афсонавий” деб
қабул қилганмиз. “Афсонавий”
буғунги кунда кўп айтиладиган
сўзлардан бири. Бироқ “бу сўз
ўзбек тилига зўрма-зўраки
киритилаётгандек,
афсона ўз номи билан
афсона, яъни бўлмаган
нарса”, деган мулоҳазалар
хам йўқ эмас.**

Ҳақиқатан изоҳли лугатларимиздада қайд этилганидек, афсона – авлоддан авлодга, оғиздан оғизга ўтиб келаётган хаёлий (фантастик) ҳикоя ё ривоят. Бу жанрда муболаганинг ўрни муҳим. Юз берган ажабтовор ҳодисаларниақлга сифдиrolмайсиз, “қаҳрамонлик”лар хаёлот маҳсулидеб ўйлайсиз.

Ким ишониши мумкин афсонага (эртакка)? Ёш бола, биринчи на вбатда. Алдагани бола яхши, деган нақл эсимизга тушади. Вокеий ҳаёт, айни дамда, ғаройиботдан холи эмас. Кўз олдимизда баъзан нималар рўй бермайди дейсиз. Тахсинга лойиқ ишлардан ҳайратланамиз, ёқа ушлаймиз. Тўлқинланиб “афсона-ку!” деймиз беихтиёр.

Қилган иши, кўрсатган матонати, санъати, ўйини билан кимлар оммани “афсун” этган ва “афсона”га айланган?

“Афсонавий”лардан бири – икки карра меҳнат қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати – Турсуной Охунова (1937–1983). Чинозлик оддий аёлни “афсонавий механизатор” дейишимиз мумкин. Стаканов Россияда “стахоновчилар ҳаракати”га асос солган бўлса, Турсуной Ўзбекистонда “турсунойчилар” мактабини яратди. Пахтазорларда “Турсуной бўлай дейман” деган қўшиқ янграр, қизларимиз “турсунойчи” бўлиш орзусида далага чиқар, оддий ўзбек қизининг нималарга кодирлиги дунёни лол қолдиарди. Фидокорлар ҳақида сўз кетар экан, матбуотда “Миф или реальность?” руқни остидаги материаллар бежизга омманинг эътиборини тортмасди.

Эстрада кўшикчиси, драматург, актёр Ботир Зокиров (1936–1985) бетакрор санъаткор эди. “Бугун афсонавий санъаткорнинг таваллуд топган куни”, “Насиба Абдуллаева афсонавий санъаткор Ботир Зокиров ҳақида” каби сарлавҳаларга кўзимиз тушади. “Буюк хизматлари учун” ордени соҳиби, 23 ёшида машҳурликка эришиб, Эрон, Арабистон, Ҳиндистон каби мамлакатларда айrim кўшиклари “хит”га айланган Ботир Зокировни “буюк санъаткор” ёхуд “санъатимизафсонаси” дейишга ҳаклимиз.

Бутун дунёни лол қолдиран спорчиларимиз талайгина. Масалан, Оксана Чусовитина. У 8 та ёзги Олимпиада (1992, 1996, 2000, 2004, 2008, 2012, 2016, 2020)нинг иштирокчиси. Олимпиада, жаҳон ва Осиё чемпиони бўлган ўзбекистонлик спорччи Гиннеснинг рекордлар китобига киритилган. Оксанани “афсонавий гимнастикачи” десак арзиди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларда қаҳрамонлик кўрсатган жангчиларимиз кўп бўлган. Улардан бири Фарғонанинг мард ўғлони Тешабой Одилов (1918–1998). У “афсонавий снарпейчи” сифатида маълум ва машҳур. Бунга кандай эришган?

...Мухораба шиддатли тус олар, кучлар тенг эмас – жангчилардан бир қанчаси оғир ярадор бўлган. Лекин Тешабой довдира бўлган. Фавқулодда эпчиллик билан ўзини ҳар ёнга урар – гоҳ у, гоҳ бу пулемёт ортидан душманни бехато нишонга олар, кўлида автомат билан “окоп”лар атрофида чирпирак айланарди. Унинг овози борича бакириши, шердек

наъра тортишидан юрагини фулгула босган душман қарши томонни кўпчилик деб ўйлаб, нихоят отишмани тўхтатди. Олдинга қараб ҳаракат қилишга ботинолмади.

Тонг отгандагина ёрдамчи кучетиб келди.

– Бирор соғ жон кўринмайди, шунча фашист билан ким жанг қилди? – сўради командир.

– Юзлаб душманга бир ўзи бас келиб, тун бўйи чақиндай шиддат билан жанг қилган манави қорақўз, – дэя уни кўрсатдилар ярадорлар.

– Наҳотки? Бир ўзи-я? – командир ишонмасди.

– Оҳудай сакраб, чақмоқдек оти-либ...

– Эртак-ку?! – деди ҳаяжонланган кўмондон, қора кўзли жангчини бағрига босаркан. – Худди афсона-лардагидек жанг қилибсан-да, баҳодир? Отинг нима? Қаердансан?

– Тешабой Одилов, Ўзбекистонданман.

Жанг майдондаги Тешабой Одилов энди кино экранида. Ҳар қарич ер учун жон олиб-жон бераётган аскарлар фурсат топиб мардлик ва жасоратни улуғловчи “Тешабой Одилов” қисқа метражли ватанпарварлик мавзусидаги фильмини томоша қилас, барча фронтларда на мойиш этилган матонат санъати азamat йигитларни ғалабага илҳомлантиради. Кейинчалик ўзбек киноижодкорлари ҳам бу мавзуда учта ҳужжатли фильм яратдилар: “Жанг ҳамма эшикни қоқарди”, “Сўх дарёси бўйлаб” ва “Ҳақиқатга айланган афсона”. Учинчи кинокартинанинг номи қаҳрамонимизнинг ҳақиқий “афсонавий жангчи” лигига бир ишора. Тешабой Одилов ўша даврнинг ўзидаёқ ўнлаб шеъру достон, фильм, жангномалар қаҳрамони бўлишга ҳам улгурганди.

Спорт журналистикасида, жумладан футбол оламида “афсонавий натижага” деган ибора пайдо бўлган. “Барселона” ҳужумчиси Л. Месси ҳақида ёзилган бир мақолада шундай сатрлар бор: “Барселона” юлдузи ўтган барча мусобақаларда ракиблар дарвозасига жами 91 та гол

уриб, мавсумда афсонавий натижага эришид”.

Ўзбек футбол клубидан ҳам “афсона”лар чиқкан. Ан, Федоров, Ҳадзипанагис сингари “Пахтакор” юлдузларининг мафтункор ўйинини ёши катта инсонлар ҳамон эслайди. 100 тадан ортиқ гол урган (Федотов клуби аъзолари) Геннадий Красницкий, Биродар Абдураимов ва Андрей Якубик ҳақиқий маънода “футболимиз афсонаси”га айланди. Футболимиз тарихида ўчмас из қолдирган Тўлаган Исоков, Миржалол Қосимов, Одил Ахмедов сингари моҳир тўпурарлар, шунингдек, боксчи Руфат Рисқиев, гроссмейстер Рустам Қосимжонов, мустақиллик йилларида юртимиздан чиқкан Осиё, жаҳон ва Олимпиада чемпионларни ҳам ҳар қанча улуғласак арзиди.

Мақтовига, таърифу тавсифга муносиб инсонлар кўп. Бироқ айрим машҳурлар тўғрисида сўз юритарканмиз, чегарадан ўтишимиз шундоққина билинади. Ҳиссиятга берилиб “бемисл”, “беназир”, “бекиёс” деб ҳам уларни кўкларга кўтарамиз. Шундай “ягона”ми қаҳрамонимиз? Қиёси йўқми?

Улуг, буюк, забардаст каби сифатларга “афсонавий” кўшилди. Бугунги кунда, хусусан, санъатнинг эстрада ва кино соҳасида “порлок юлдуз” шундай кўпайиб кетди, сўз қадри, “юлдуз” қадри тушиб кетмаяпти, деган хаёлга борасиз.

Телебошловчи машҳур ҳамкасибни “телевидениеимиз афсонаси”, деб улуғлайди. Сал кўтариброқ гапирсак майли-куя, лекин...

Оlamшумул иши билан оммани мафтун этган ва ҳайратга солган, дунё таниган шахсгина “афсонавий-” масми? Умиллат шаъни-ю, мамлакат довругинининг муносиб яловбардори ҳамдир. Ўзбекистон бундай шахсларни кўп кўрган ва уларни эъзозлаган.

Хулоса қилиб айтганда, лугатимизда ўз ўрни бўлган “афсонавий” ўзбек тилининг табиатига бегона эмас.

Муҳаммад ШОДИЙ

ТҮЙ ФОЖЕАСИ

Ҳарқалай, қолоқ бўлса ҳам медицинамизнинг бунга акли етади.

Бироқ марҳум шифохонага бормаган.

— Нега шифохонага олиб бормадингизлар? — дедим ҳайрон бўлиб.

Аёли ерга қарайди. Болалари онасига хўмраяди. Бир амаллаб масаланинг тагига етдим.

Ака яқинда набирали бўлибди. Тўнгич қизи ўғилли бўлиб, шунга бешик тўйи олиб бориши керак экан.

“Бешик тўйи”нинг харажати катта эмиш.

“Агар мен касалхонага тушиб қолсам тўй беролмай қоламиз”, деб ота шўрлик шифохонага бормаган ва бир ҳафта давомида қон туфлаб юраверган.

— Бир неча марта айтдим, лекин ҳар сафар:


“Қудаларнинг олдида уятли бўлиб қоламиз, қизингнинг кўнгли ўксиди”, деб бормадилар, — дейди аёли.

Хуллас, шу одам ўлди. Бир тийинга қиммат анъанани, бемаврид ғурурни деб ўлиб кетди.

Муҳтарам ўзбеклар, тўйлар фожеасидан қачон кутилади?

Қачон эс киради бизга? Биз қачон тонналаб гурч дамлаб тўй қилишининг фазилат эмаслигини тушунамиз??

Муҳаммад ИКРОМ



Яқинда эндиғина элликка кирган яхши бир акани тупроққа кўйдик.

Ичагида яраси бор экан. Шу очилиб кетибди.

Аммо бу одамни ўлдирадиган дард эмас.



АКМАЛ ИКРОМОВ КИМ ЧУН КУРАШГАН ЗДИ?

Ўтган асрда яшаб ўтган давлат ва сиёсат арбоблари орасида Акмал Икромовнинг ўзига яраша ўрни бор. Кимдир уни тиш-тирифитга қадар коммунизм мағкурасига содик қолган сиёсатчи деса, яна кимдир Ўзбекистон мустақиллиги учун курашган ва оқибатда қатағон қурбони бўлган юрт фарзанди деб билади. Аслида-чи?

Икром қорининг “инқилобчи” ўғли

Акмал Икромов 1898 йилда Тошкентнинг Ўқчи маҳалласида мактабдор Икром қори оиласида туғилган. Унинг отаси Икром қори маҳаллада ўғил болаларга ҳарф танигтан бўлса, онаси Тожинисо ая хотин-қизларга сабок берган. Унинг ўзи оиласида беш нафар ўғилнинг учинчи эди.

Акмал хам отасининг мактабида завод чиқариб, форс ва араб тилларини пухта эгаллади, Шарқ адабиётини чукур ўрганди. Кейинчалик рус-тузем мактабида ўқиб, рус тили ва адабиётини ўрганди. Шу тариқа унинг онгу шуурида большевиклар мағкурасига нисбатан хавас ва иштиёқ уйғонди. У 1917 йил 7 ноябрдаги Октябрь инциденти кўллаб-кувватлари, уни кўплаб туркистонликлар катори умид ва ишонч билан қарши олди. Йигирма ёшидан ота касбина давом эттириб, Тошкентдаги мактаблардан бирида ўқитувчилик қила бошлади. Тез орада Россия Большевиклар коммунистик партияси сафига кирди.

Акмал ёшлигидан шеъриятга, адабиётга меҳр кўйган. Ёш изодкорларнинг “Изчиллар тўдаси” ва “Чигатой гурунги” каби турухларига аъзо бўлган, Элхон тахаллуси билан шеърлар ёзган.

Хукумат тепасида...

1919-1921 йилларда Наманган, Фарғона, Сирдарё вилоятлари партия ташкилотларида турли лавозимларда фаолият кўрсатган. Шундан кейин Туркистон Коммунистлар партияси Марказий Кенгашининг котиби ва ташкилий инструкторлик бўлими мудири бўлган. Туркистон АССРда янги иқтисодий сиёсатни амалга оширилишида ташаббускорлик қилган. У сиёсий фаолияти билан бирга Марказкўмнинг “Коммунист” журналига боз муҳаррирлик ҳам қилган.

А. Икромов 1919-1924 йилларда имконияти доирасида ўзбек халқи манфаатлари учун Марказ сиёсатига қарши курашган. У моҳир публицист сифатида Ўзбекистонда қишлоқ хўжалигини, хусусан пахтачиликни ривожлантиришга, маданий ислоҳотларга доир кўплаб назарий мақолалар, илмий асарлар ёзган.

Бироқ, Икромов ўз фаолияти давомида Ўрта Осиё бюроси ва Марказнинг кўрсатмаларига амал қилишга мажбур бўлган.

Ўзбекистонда ер-сув ислоҳати, мажбурий колхозлаштириш, республика замонавий саноат асосларини қуриш ва бошқа тадбирларга раҳбарлик қилган. 1925-йил февралдан то 1937 йилда қамоққа олинганга қадар Ўзбекистон Коммунистлар Партияси Марказий Кенгаши котиби, биринчи котиби бўлган.

Коммунистдан “халқ душмани”гача

Икромов гарчи большевистик гоялардан чекинмаган бўлса-са, мустабид тузум уни аяб ўтиради. Миллатни асл ўғлонларидан жудо қилишни ният қилган манфур кучлар унинг ҳам ўтмишидан “халқ душмани” ясашга етадиган асосларни излашди. Етмаганини кўшиб чатишиди. Хуллас, 1937 йил сентабрда у Тошкентда қамоққа олинди.

Акмал Икромов Советларга қарши “Ўнг троцкийчи блок” деб аталган иш бўйича Москвада суд килиниб, содик СССРни бўлиб юбориш, жумладан, Ўрта Осиё республикаларини ажратиб олиш, давлат тузумини ағдариш, капитализмни, буржуазия ҳокимиятини тиклашда айбланди.

Маълумотларга кўра Акмал Икромов 1938 йил 5 март куни бир гуруҳ содик партия ва хукумат раҳбарлари иши бўйича олиб борилган “Учинчи Москва процесси” хукми билан ўлим жазосига хукм қилинган. Ўша йилнинг 13 марта (баъзи манбаларда 15 март) Москва яқинидаги “Коммунарка” хиёбонида отиб ташланган.

Оиласи ҳақида...

Акмал Икромовнинг биринчи аёли ўзбек бўлган. Отаси Акмални 19 ёшида пискентлик таниши мулла Иброҳимнинг Ҳанифа исмли қизига ўйлантирган. 1919 йилда уларнинг биринчи фарзанди Ургут туғилган. Аммо уларнинг турмushi узок давом этмаган. Акмал Икромов Наманганга ишга кетгач, Ҳанифа ўғлини олиб отасининг уйига, Пискентга қайтади. Кўп ўтмай уни бошқа бирорга турмушга беришади. Ургутни эса, кейинчалик Акмал Икромов яна ўз тарбиясига олади. Кейинчалик отасининг тавсиясига биноан Россияга ўқишга кетади ва шу ерда қолиб кетади.

Аммо, ўша давр партия ва хукумат раҳ-

барларига хос талаблардан бири русийзабон кизларга ўйланиш эди. Айнан шу орқали ўсиш, юкори лавозимларни эгаллаш мумкин эди. Эҳтимол шунинг учун кейинчалик тошкентлик рус оиласининг Евгения Зелькина исмли қизига ўйлангандир?

Коммунистик академиянинг Аграр институти Шарқ бўлимида таҳсил олган Евгения ўқишини битириб, Тошкентда, Ер тақсимоти идоралари ишлаган, “Аграр фронтда” журналига муҳаррирлик қилган. У ҳам 1938 йилда эрининг яқин ҳамокларидан бири сифатида, қатағон қилинган ҳамортларимиз қатори отиб ташланган.

Ундан туғилган ўғил Комил Икромов кейинчалик машҳур ёзувчи бўлиб етишиди. Унинг асарларидан бири “Отамнинг иши” деб номланади. Ушбу асар рус тилида битилган бўлиб, Акмал Икромов ҳаёти ва фолиятини ўрганиш учун етарлича тасаввур бера олади.

Комил Икромов 1987 йилда Ўзбекистон Халқ ёзувчиси унвонини олган. 1989 йилда Германиянинг Кёльн шаҳрида, ижодий сафар пайтида вафот этган. Москвадаги Кунцево қабристонида дағн этилган.

Хақиқат тикланди, аммо...

1957 йил 3 июня СССР Олий суди ҳарбий коллегияси А. Икромовни айбисиз деб топди ва у окланди. Тошкент шаҳридаги бир туманга, ийрик кўчага, маҳаллалар ва мактабларга унинг номи берилди. Тошкент ва Самарқандда ҳайкали ўрнатилди.

Архив хужжатларида сақланган Акмал Икромовнинг икрорномасида шундай сўзларни ўқиймиз: “Мен 1928 йилда антисовет ҳаракатига қўшилганман. Мен ундан ҳам аввал 1918 йилда миллатчилик руҳидаги ёшлар ташкилотига аъзо бўлганман. 1923 йилда троцкийчи-мухолифат ташкилотига қўшилдим. 1928 йилдан миллий-фашистик руҳдаги “Миллий истиқлолият” ташкилотининг раҳбарларида бирига айландим. Аслида совет хукумати даврида яна қандай мустакилликни орзу қилиш мумкин? Буларнинг ҳаммаси буржуазия таҳайолидан бошқа нарса эмас экан”.

“Правда” газетаси, 1938 йил, 6 март

У ўша пайтнинг қаттол сиёсатини ўз кўзи билан кўрган, катта умидлар билан қарши олинган “Совет хукумати” аслида зулм ва жаҳолат салтанати эканини англаб етгани аниқ. Шу боис, зимдан она Ватанини мустабид тузум занжиридан кутқаришга интилган эди...

Рустам ЖАББОРОВ



Муассислар:

Ўзбекистон Республикаси
Экология ва атроф-муҳитни мұхофаза қилиш давлат қўмитаси.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати —
Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси.

Бош муҳаррир Мақсад ЖОНИХОНОВ

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида сахифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Манзил:

Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-908

Адади: 2050.

Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
хажми 2 босма табок.

Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигига

2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Навбатчи:
Дилбар МАҲМУДОВА

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

100000, Тошкент шаҳри
Матбуотчилар кўчаси 32.
Маълумот учун телефонлар:

(71) 233-72-77,
233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiat@mail.uz

Газета индекси — 131

“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти:
20:00

1 2 3 4 5 6

DIQQATE'LON!

QISHLOQ XO'JALIGI VAZIRLIGI HUZURIDAGI TUPROQSHUNOSLIK VA AGROKIMYOVIY TADQIQOTLAR INSTITUTI

Doktorantura (DSc) va tayanch Doktorantura (PhD) institutiga 2023 yil uchun quyidagi ixtisosliklar bo'yicha tanlov e'lon qiladi:

Doktoranturaga (DSc):

03.00.13 - "Tuproqshunoslik" - 2 ta o'rin

Tayanch doktoranturaga (PhD):

03.00.13 - "Tuproqshunoslik" - 3 ta o'rin

06.01.04 - "Agrokimyo" - 2 ta o'rin

06.01.03 - "Agrotaproqshunoslik va agrofizika" - 1 ta o'rin

Maqsadli tayanch doktoranturaga:

06.01.03 - "Agrotaproqshunoslik va agrofizika" - 1 ta o'rin

Tanlov muddati 2022 yil 15 oktyabrgacha
davom etadi.

Qabul O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017 yil 22 maydagi 304-soni Qarorining 2-ilovasi "Oliy o'quv yurtidan keyingi ta'lim to'g'risida Nizom" asosida amalga oshiriladi.

Talabgorlar xujjatlarni O'zbekiston Respublikasi Innovatsion rivojlanish vazirligining <http://phd.mininnovation.uz> sayti orqali ro'yxatdan o'tkaziladi.

Manzil: Toshkent viloyati
Qibray tumani "Botanika" mahallasi
O'zPITI ko'chasi

Telefonlar: (93) 524-07-85,
(94) 656 23 93.



Ботир Зокиров ашулаларини ўқувчилик йилларимдан яхши кўраман. Бизнинг ўсмирилик пайтимида қишлоқларда телевизор йўқ, асосан радио эшитар эдик. Колхоз идораси олдида симёғочда катта радиокарнай бўларди, унинг овози бутун қишлоққа эшитиларди. Колхознинг радиоузели орқали хонадонларга кичкина радиочалар қўйилган эди. Одамлар ўшани эшитишарди. Менинг Тугал деган амаким радиоузелда ишларди.

“БОТИР ЗОКИРОВ ҲАМ КЕЛГАНМИ?”

Баъзан олдига бориб, радиоузел аппаратларини томоша қилас, амаким бирон-бир иш билан ташқарига чиқиб кетганида аппаратнинг ричакларини алмаштирас эдим. (Радионинг программалари ана шу ричаклар билан ўзгартилар эди).

Гоҳида уйдаги радиочадан концерtlар тинглаб ётардим. Ботир Зокиров ашулалари берилса галати кайфиятга тушардим. Айниқса, арабча қўшиғи (кейин билдим “Арабтангоси” экан) қўйилса, сўзларини тушунмасам-да, ўз-ўзидан маҳзун бўлиб қолардим.

Санъатни, хусусан, қўшиқ санъатини, Ботир Зокиров ашулаларини бироз тушуна бошлаганимда билдимки, у ҳақиқатдан ҳам замгин ашула экан. Таникли шоир ва драматург Машраб Бобоев шу ашулани эшитганда хўнграб йиглаганига гувоҳман.

Ботир Зокиров ижодига қизиқишим тобора ортиб борди. Бу қизиқишишур хонанда билан учрашишга, у билан сұхбатга даъват этди. “Ўзбекистон маданияти” газетасида ишлаб юрган кезларим (70-йилларда) Ботир Зокиров билан эстрада санъати ҳақида сұхбат қилдим. Ушбу сұхбатни тайёрлаш учун хонанданинг уйига бориб, узоқ гаплашганимиз эсимда. Сұхбат тайёр бўлгач, матнни Ботир Зокиров ўқиди, сўнг газетада эълон қилинди.

Бу машхур санъаткор билан турли тадбирларда бир неча марта учрашидик. “Мюзик-холл”ни тузиб, концерт берганида маза қилиб кўрганман.

Баъзи одамлар кайфияти яхши бўлганда ёки нимадандир сиқилганда ашула хиргойи қиласи. Мен ҳам шу тоифаданман. Кўпинча Ботир Зокировнинг Ҳамид Олимжон сўзи билан айтиладиган “Топиб бер, деб ойга ёлвордим” деган ашуласини хиргойи қилас эдим. Очиги, хозир ҳам гоҳида беихтиёр шу ашула тилимда айланаверади:

Хаёлимда бўлдинг узун кун,
Сени излаб қиргокка бордим.
Оч тўлқинлар пишқирган тунда,
Топиб бер, деб ойга ёлвордим...

Ботир Зокиров серқирра ижодкор эди. У расм чизар, хикоялар ёзар эди. Доимий ижодий ҳамкори ком-

позитор Икром Акбаров Ботир Зокировнинг “Сўғд элининг қоплони” либреттоси бўйича опера ёзган, бу опера Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик Катта театрида саҳнага қўйилган эди.

Яна шуни ҳам таъкидлашни истардимки, Ботир Зокировни дунё санъат аҳли биларди, десак хато бўлмайди. У Франциянинг оламшумул “Олимпия” эстрада концерт залида икки марта концерт бергани бунинг исботидир. “Олимпия”да унча-мунча санъаткор концерт бера олмасди.

Ўзбекистон халқ артисти Ботир Зокиров нафақат юртимизда, балки бутун иттифоқ миқёсида маълум ва машхур эди. У собиқ иттифоқнинг исталган шаҳрида концерт бера олар, томошабинлар ҳамма жойда қайта-қайта саҳнага таклиф қилас эди. Ўзим гувоҳ бўлган айrim воқеаларни баён қилмоқчиман.

Эсимда бор, 1977 йил апрель ойда Москвага борганимда Ботир Зокиров ўша ерда ижодий сафарда экан. Кўчаларда “Ботир Зокиров куйлайди” деган афишалар. Эътибор бе-ринг: унинг ҳеч қандай унвони, қайси республика санъаткори эканлиги ёзилмаган. Шунинг ўзиёқ Ботир Зокиров деган ном, бу хонанда ҳамма учун бирдай таниш, бир хилда қадрли эканлигини кўрсатиб турибди.

Мен Москванинг “Байкал” меҳмонхонасига тушган эдим. Бир куни оқшом меҳмонхона вестибиулида учтourt йигит-қизнинг ўзаро сұхбати тасодифан кулогимга чалинди. Улар “Хозир Москвада Ботир Зокировнинг концерти кетяпти. Шу концертига қандай қилиб билет топсан экан”, деб мунозара қилишарди. Очиги, жуда ҳаяжонланиб, фурурланиб кетдим.

Одобсизлик бўлса-да, уларнинг сұхбатига қўшилиб, қаердан келишганини сўрадим. Йигит-қизлар

Молдавиядан экан. “Мен Ботир Зокировнинг ҳамшахариман”, дедим фурур билан. Улар “Бизни Ботир Зокиров билан таништириб қўйинг”, деб туриб олишди. “Бу иш қўлимдан келадими-йўқми – билмадим. Аммо унинг укаси билан таништириб қўй-

қилмайдиган, аммо давраларда, сұхбатларда ота-онанинг қадри, уларни хурмат қилиш лозимлиги ҳақида оғиз кўпиртириб гапирадиган фарзандларни эслатади. Зотан, ҳар қандай ватанпарварлик оиласдан, киндик кони тўкилган хонадондан бошла-

нади... Чет эл эстрадасини, умуман хорижий ҳалқлар санъатини хурмат қилиш, эшитиш яхши, аммо ўзимизнинг санъатни, санъаткорларни эсдан чиқармайлик.

...1979 йилнинг июнь ойи. Озарбойжонда ўзбек адабиёти ва санъати кунлари давом этмоқда эди.

Бокунинг гавжум кўчаларидан бирида чорраҳада яшил чироқ ёнишини кутиб турадим. Йўл харакатини бошқараётган милиционер менинг олдимга келди-да, сиз Ўзбекистонданмисиз, деб сўради. Шундай, деганимдан сўнг, декадага Ботир Зокиров ҳам келганми, деди. Мен у кишининг келганини айтдим. Бу гапдан бояги милиционер жуда севиниб кетди. “Ботир Зокиров қўшикларини бир маза қилиб эшитарканмиз-да, энди. Иложи бўлса, ўзи билан учрашиб, дастхат ёздириб оламан”, деди.

Декада кунлари ўзбек адабиёти ва санъатининг вакиллари беш гурухга бўлиниб, Озарбойжоннинг туманларига чиқишиди. Ана шу сафар давомида қайси корхона ёки хўжаликка бормайлик, қаерда учрашув бўлмасин, албатта, Ботир Зокировни қайта-қайта сўрашди. Шунда мен машхур хонандамизни қардош озарбойжонлик қўшиқ санъати мухлислиари ҳам хурмат қилишини кўриб чексиз қувондим. Фурурим тоғдай юксалди. Аслида ҳам шундай эди. Ботир Зокировнинг ашулаларини барча миллат вакиллари берилиб тингларди. Зоро, у барча ҳалқлар қўшикларини бемалол куйлар эди-да.

Ботир Зокировнинг номи ҳам, у куйлаган қўшиклар ҳам, у яратган асарлар ҳам бокийдир. У бизнинг фахримиз эди, шундай бўлиб қолажак.

Маматқул ҲАЗРАТҚУЛОВ

